



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2025 йил 18 декабрь, № 265 (9160)

Пайшанба

Сайтимиға Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## СИЁСИЙ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ ТУС ОЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 декабрь куни Корея Республикаси ва Марказий Осиё давлатлари парламентлари раҳбарларининг учинчи учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери У Вон Шик бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мённинг самимий салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқда стратегик шериклики, жумладан, парламентлар ҳамкорлиги орқали янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий ва парламентлараро алоқалар жадал тус олгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамда Кореядан, биринчи навбатда, иқтисодий-технологик модернизация қилиш ва юқори технологияли sanoat тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестицияларнинг сони ортиб бормоқда.

Гуманитар ва таълим алмашинувлари кенгаймоқда. Ўзбекистонда Корея етакчи университетларининг тўртта филиали, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларидаги профессионал таълим марказлари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва логистика, нодир металллар ва ўта муҳим хомашёни қайта ишлаш, шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолиятини рақамлаштириш ва бошқарувда илгор ечимларни жорий этиш бўйича кооперация лойиҳаларини амалга ошириш қўллаб-қувватланди.

Парламентлараро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда парламентлардаги «дўстлик гуруҳлари» ишини фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак олий даражадаги, жумладан, «Марказий Осиё — Корея Республикаси» саммити доирасидаги тадбирларнинг кун тартибини пухта тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЯПОНИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан 18 — 20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Токио шаҳрида Япония Императори Нарухито, Бош вазири Санаэ Такаичи, Парламент раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари ва етакчи университетлар ректорлари билан учрашувлар ва музокаралар ўтказиш режалаштирилган.

Кун тартибидан Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда ривожлантириш масалалари ўрин олган.

Ишбилармонлик дастури доирасида Япониянинг йirik компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокидаги учрашувлар ва тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Савдо-иқтисодий ҳамкорлики

кенгайтириш ҳамда инвестиция лойиҳаларини илгари суриш масалалари атрофида муҳокама қилинади. Икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти давлат раҳбарларининг биринчи саммитида иштирок этади. Тадбир доирасида «яшил» иқтисодиёт ва барқарор таъриққет, ўзаро боғлиқлик ва минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш каби устувор соҳаларда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинади.

Саммит якунлари бўйича Токио декларациясини қабул қилиш режалаштирилган.

Ўз.А.

## Ўзбекистон — Япония: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЧЕГАРАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан 18 — 20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади ҳамда «Марказий Осиё+Япония» мулоқотининг олий даражадаги саммитида иштирок этади.

### Биз ва жаҳон

1992 йил 26 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги ташқи сиёсатининг асосий йўналишидан бири бўлиб келмоқда. Аънанавий ўзаро ҳурмат ва ишончга таяниб, Тошкент ва Токио бугунги кунда сиёсат, ҳавфсизлик, иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, таълим, маданият, туризм ва минтақавий шаклларидаги муносабатларнинг қамраб олган кен қўламли ҳамкорлики йўлга қўймоқда.

Япония sanoat ва энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш, рақамли трансформация, барқарор таъриққет, таълим ва фан, маданий-гуманитар алмашинув масалаларида аънанавий равишда муҳим стратегик шерик бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик самаралари ва жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Японияга расмий ташриф мулоқот ривожига туб бурилиш эсади. Ушбу ташриф йirik қўшма иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар лойиҳаларни амалга оширишга туртки берди ҳамда узок муддатли истиқболга мўлжалланган

ҳамкорлик векторини белгилади. Халқаро майдонда Ўзбекистон ва Япония халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб, бир-бирининг позицияларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Япониянинг БМТ органларига номзодини 40 мартадан ортик қўллаб-қувватлаган, Токио эса Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг қатор резолюциялари, жумладан, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд, маърифат ва диний бағри-кентлик, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларнинг роли тўғрисидаги резолюцияларнинг ҳаммуаллифи бўлган.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик ҳам икки томонлама муносабатларнинг стратегик хусусиятидан далolat беради. Икки мамлакат парламентларида дўстлик гуруҳлари ташкил этилган, «Ўзбекистон — Япония» парламентлараро форумининг йилги ишлари мунтазам ўтказилмоқда, ўзаро ташрифлар амалга оширилмоқда, учрашувлар ва онлайн музокаралар бўлиб ўтмоқда.



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга, давлат фуқаролик хизматини ўташ тартибини такомиллаштиришга, маҳаллий фармацевтика корхоналари қувватларини оширишга, тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш йўналишидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масала ҳам муҳокама қилинди.



Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

## ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудудларда комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кенгайтириш ҳамда болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга қаратилган таклифлар билан танишди.

Камбағал ҳамда камбағалликка тушиб қолган оилаларни аниқлаш, уларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматларни ягона тизим асосида аҳолининг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш йўналишидаги ишлар кўриб чиқилди.

Ўтган даврда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри доирасида 1,8 миллион оиланинг ижтимоий ҳолати баҳолалиб, 739 минг оила, шу жумладан, камбағал ҳамда камбағаллик чегарасидаги оилалар реестрга киритилди. Уларга нафақа ва моддий ёрдамлар тайинланди.

Эндиликда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ҳамда Камбағал оилалар реестри негизида Ижтимоий реестр юритилади ва унда оилалар ижтимоий-иқтисодий аҳолидан келиб чиқиб алоҳида тоифаларга — давлат таъминотидаги оилалар, камбағал оилалар ҳамда камбағаллик чегарасидаги оилаларга ажратилади, ҳар бир тоифага мос ёрдам ва хизматлар кўрсатилади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари аҳолининг даромад даражаси ва бандлик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда дифференциал ёндашув асосида амалга оширилади.

Хусусан, айрим тоифадаги имконияти чекланган оилалар учун бандлик талаб этмаган ҳолда ижтимоий ёрдам янада яқинлаштириш ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, ушбу судларга мурожаат қилишда экстерриториал судловга тегишлиликни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ҳал қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Президентимиз таклифларни қўллаб-қувватлаб, уларни сифатли ва тизимли амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

ушбу Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонунлар, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб қатор қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш билан боғлиқ қонунлар кўриб чиқилиши назарда тутилган.



## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев фуқаро ва тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш масалаларига оид такдимот билан танишди.

Жорий йилда ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган Конституциявий суд фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар бажарилди. Жумладан, 2021 йилда Конституциявий суд тўғрисидаги қонун янги тахрирда қабул қилиниб, самарали конституциявий назорат тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Конституциявий суд ўз ваколатларини тўлақонли амалга оширишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, мазкур йўналишдаги ишларнинг янги босқичга олиб чиқиш тақозо этилмоқда.

Тақдимотда бу борадаги таклифлар кўриб чиқилди. Жумладан, Конституциявий суд томонидан ҳар йили мамлакатда конституциявий қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича такдим этиб бориладиган таклиф ва тавсияларни амалга оширишнинг самарадорлиги оширилади.

Бунда Конституциявий суд томонидан фуқаро ва тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомиллари мақбуллаштирилади, сансалорликлар бартараф этилади.

Шунингдек, «конституциявий шикоят» институти самарадорлигини ошириш ва мурожаат этувчиларнинг суд ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд ишида қўлланилган қонун Конституцияга мувофиқ эмас деб топиш тақдирда тегишли суд ҳужжатида қайта кўриб чиқиш тартибини

жорий этиш таклиф қилинди. Тақдимотда Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш орқали аҳолига қулайлик яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Хусусан, Конституциявий суд мажлисларида масофадан онлайн тарзда иштирок этиш, суд мажлисларини интернет орқали трансляция қилиб бориш, вазирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Конституциявий суднинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, хорижий мамлакатларнинг конституциявий судлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Суднинг Осиё конституциявий судлари ассоциациясига раислиги доирасида мажлиснинг мустақиллик муҳофазаси раислиги доирасида қатор халқаро тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Одил судловни таъминлашга оид бошқа масалалар, хусусан, иқтисодий ва маъмурий судларни аҳоли ҳамда тадбиркорларга янада яқинлаштириш ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, ушбу судларга мурожаат қилишда экстерриториал судловга тегишлиликни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали ҳал қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Президентимиз таклифларни қўллаб-қувватлаб, уларни сифатли ва тизимли амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

## СЕНАТНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисини 2025 йил 18 декабрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

### Йиғилиш

Ялпи мажлис кун тартибига жамият ҳаёти, иқтисодий ислохотлар, ижтимоий соҳа, қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда парламент назорати

тоғи оид 24 та масала киритилди. Хусусан, мажлисда «2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида»ги ҳамда 2025 йил



Ўзбекистон — Япония:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЧЕГАРАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Вазирликларо ҳамкорлик ҳам юқори даражани намойиш этмоқда. 2002 йилдан буён икки мамлакат ташқи сиёсат мақомлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 19-раунди бўлиб ўтди.

Шу йил 25 август куни Тошкент шаҳрида уюштирилган Ўзбекистон ва Япония ташқи ишлар вазирлари даражасидаги биринчи Стратегик мулоқот ҳам бу борада муҳим воқеа бўлди. Ушбу янги формат ўзаро ҳамкорликнинг узоқ мuddатли хусусиятини ва томонларнинг барча йўналишларда ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга тайёрлигини таъкидлади.

Ташқи ишлар вазирларининг мунтазам мулоқотлари, телефон орқали сўзлашувлари, халқаро майдонлардаги учрашувлари ва ўзаро ташрифлари икки ҳамда кўп томонлама масалалар бўйича позицияларни мувофиқлаштиришга, шунингдек, бошқа йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг Япониядаги фахрий консуллари давлатлараро алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Улар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий ташаббусларни илгари суришда фаол кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий муносабатлар жадал ривожланиб, саннат, энергетика, коммунал хизматлари, инфратузилма, инновациялар, транспорт ва "ашил" иқтисодиёт соҳаларини қамраб олган. Мамлакатлар ўртасидаги савдо энг кулай режимида амалга оширилмоқда, бунинг натижасида товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда барқарор ўсишни намойиш этмоқда.

2024 йилда Нагоя шаҳрида Ўзбекистон — Япония савдо уйи очилди. Бу Япония томонининг Ўзбекистон билан савдо алоқаларини кенгайтиришга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмиталарининг кўшма мажлислари иқтисодий лойиҳаларни мувофиқ-

лаштиришнинг асосий механизми ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Япония капитали иштирокида 84 қўшма корхона фаолият юритмоқда, Япониянинг нефть-газ, кимё, машинасозлик, логистика, таълим ва туризм соҳаларида фаолият юритаётган 13 йирлик компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишда Япония молия институтлари ҳам стратегик аҳамиятга эга. 2025 йил январь ойида Тошкентда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан миллий тиббиётни ривожлантиришда муҳим қадам бўладиган замонавий лойиҳа — Республика неврология ва инсульт марказини қуриш ва жиҳозлаш учун 150 млн. долларлик қарз битими имзоланди.

Ўзбекистон — Япония муносабатларининг маданий-гуманитар йўналиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Йигирма йилдан ортқ вақтдан буён "Ўзбекистон — Япония" дўстлик жамияти, "Фукусима — Ўзбекистон" ва "Япония — Ўзбекистон" уюшмалари фаол иш олиб бормоқда. Тошкентда ўнра-тилган "Хиросима тинчлик тоши" ва пойтахтимиз марказида барпо этилган Япон боғи ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги мустақкам дўстлик рамзига айланган.

Ўзбекистонда япон маданияти фестиваллари, япон киноси намойишлари, гастроллар ва кўргазмалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Японияда ўзбек таомлари ва миллий либосларидан тортиб мусиқа ва рақс санъатигача бўлган маданий аънавларини кенг намойиш этади. Бундай алмашинув икки халқ ўртасидаги дўстликнинг ўзига хос асосини шакллантиради, ўзаро ҳурмат муҳитини яратишда ва узоқ мuddатли ҳамкорликни мустақкамлайди.

Таъкидлаш жоизки, замонавий маданий лойиҳалар гуманитар мулоқотнинг "ташири қоғози"га айланади. 2022 йил апрель ойида Токиода "Ипак йўли руҳи — дўстлик кўприги" ёрқин

тадбири бўлиб ўтди, 2024 йилда эса Япониянинг "Япон марвариди" ансамбли аънаваний "Бойсун баҳори" фестивалида учинчи ўринни эгаллади.

Таълим гуманитар алмашинувнинг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан биридир. Ўзбекистондаги 7 та олий ўқув юртида 2,5 мингдан зиёд талабалар япон тилини ўрганмоқда. Мамлакатда Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон — Япония маркази, Япониянинг "JDS" стипендияли ривожланиш дастури, Токио, Нагоя, Цукуба, Кеё ва Тоёхаси университетлари билан қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. 400 дан ортқ

лаш ва вакцина билан таъминлашга 60 млн. доллардан зиёд маблағ берилган. 100 дан ортқ япониялик кўнгилчилар Ўзбекистонда ишлади, 200 дан ортқ ўзбекистонлик шифокорлар Японияда амалиёт ўтади.

Икки томонлама муносабатларда минтақаларо дипломатия тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Бугунги кунда Риштон ва Майдзуру, Тошкент ва Нагоя, Самарқанд вилояти ва Нара префектураси ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилган. Бундай ҳамкорлик доирасида Японияда Самарқанд кунлари ва Нагояда маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

чиқилди ва бутун дунёдан сайёҳлар ва мутахассисларни жалб қилмоқда.

Бу йил Осака шаҳрида бўлиб ўтган "ЭКСПО — 2025" кўргазмасидаги "Билимлар боғи, келажак жамиятининг лабораторияси" Ўзбекистон павильони намойиш этилди. Мамлакатимиз миллий павильони энг ёрқин объектлардан бири сифатида эътироф қилиниб, олтин медал билан тақдирланди. Унинг доирасида ўтказилган Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг икки мамлакат дўстлигига бағишланган "Самовий рақс" ҳажон премьераси японлар қалбини забт этди.

Давлатимиз раҳбари ўз ташрифи давомида биринчи олий даражадаги саммитда мезбонлик қиладиган "Марказий Осиё — Япония" мулоқоти Ўзбекистоннинг минтақавий устуворликлари тизимига уйғун келадиган форматлардан бири бўлиб, Марказий Осиё мамлакатларининг сиёсий жиқлашув даражаси юксалаётганидан далолат беради.

Мулоқотни ташкил этиш ташаббуси илк бор Япония ташқи ишлар вазири Ёрико Кавагучи томонидан 2004 йил 24 августда Тошкентга ташрифи чоғида илгари сурилган эди. Ушунда минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ислохотлар ва ижтимоий ривожланишга қўмаклашиш, Марказий Осиёнинг қўшни минтақада янги лойиҳалар ташаббускори ўлароқ ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга бўлажак ташрифи ва "Марказий Осиё+Япония" мулоқоти саммитидоги иштироки ҳам икки, ҳам кўп томонлама сиёсий ҳамкорликни чуқурлаштириш, иқтисодий ва сармовий шерикликни кенгайтириш, таълим ва илмий алоқаларни мустақкамлаш имконини беради. Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг ўзаро манфаатли алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган фаол позицияси Ўзбекистоннинг минтақавий интеграция ва оқиқ конструктив халқаро мулоқотга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

«Дунё» АА.

## СЕНАТНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСINI ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Бундан ташқари, бюджет жараёнини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъект-

ларини қўллаб-қувватлаш орқали бандликни ошириш, қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулот-

лар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир ўзгаришлар киритишга оид қонунларни ялпи мажлисда муҳокама қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, сенаторлар "Хуқуқий эксперимент тўғрисида"ги қонунни ҳам кўриб чиқади.

Ялпи мажлисда ҳақамлик судлари фаолиятини такомиллаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ривожлантириш, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини мустақкамлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини бариш, атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишга оид қўшни ҳужжатларига киритилаётган ўзгари-

ришлар ҳам муҳокамалар марказида бўлади.

Шу билан бирга, парламент юқори палатаси аъзолари "Марказий Осиё — Хитой" формати Котибияти тўғрисидаги низомни ратификация қилиш масаласини ҳам кўриб чиқади.

Ялпи мажлис мобайнида сенаторлар Вазирлар Маҳкамасига бошқарув сервис компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати юзасидан парламент сўрови юзориш масаласини ҳамда давлат органларига юборилган қатор парламент сўровлари натижаларини муҳокама қилади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

### Дил сўзи

## ҲАМ ТИЖОРАТ, ҲАМ МАЪРИФАТ

Айни кунлар ҳаётимиздаги ҳеч унутилмас, қувонч ва ҳаяжонларга лиммо-лим тарихий онлар, десам, асло ташо эмас. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманига ташрифи чоғида Президентимиз билан учрашув, кунги кеча эса давлатимиз раҳбари Фармонига кўра "Дўстлик" ордени билан мукофотланганим мен учун пок ниятлар, эзгу орзулар ҳеч қачон завол билмаслигининг, ҳаракат ва интилиш бўлса, улар кун келиб, албатта, ўзбегга чиқажатининг ҳаётини исботи бўлди.

Бундан 26 йил аввал тадбиркорлик соҳасига қадам қўйган бўлсам, ўз йўлимни топганимча бошимдан не савдолар ўтди — Яратганга ва ўзимга аён. Кези келса, заводларда ётиб қолдим. Елкамда юк ташидим. Ўз бизнесини йўлга қўйиш учун сарсон-саргардон бўлдим.

Уйласам, бундай оворагарчилик ўша пайтларда фақат менинг чекимга тушмаган экан. Давр шундай эди, шариот тақозоси шуни талаб қиларди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётида ҳам, халқимиз орзу-умидлари, турмуш тарзида ҳам бутунлай янги даврни бошлаб берди. Айниқса, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга елка тутди, таянч ва суянч бўлди. Ишбилармонлар учун барча йўللар очилди.

Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, мен ҳам ўз бизнесини йўлга қўйдим.

"Юнусобод галереяси" — фақат пул топиш ва бизнес қилишга йўналтирилган лойиҳа эмас. Бу ердаги сав-



до ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти, аввало, Президентимизнинг "Инсон қадрини" ғояси рўйбига йўналтирилган.

Раҳматли отам ҳам, бугун ҳаётимнинг фаизи бўлиб юрган онам ҳам бутун умрини таълим тизимида, ёшлар камолотида бағишлаган. Ана шу эзгу хислат менинг ҳам фитратимда бор. Шу боис марказимизда савдо ва тижорат майдонлари ташкил этиш билан

бирга кутубхона, китоб дўқони, ёш рассомлар бепул фойдаланиши мумкин бўлган галерея фаолияти йўлга қўйилди, ахборот технологиялари ва инновация индустрияси билан уюлланувчи ғоят қизилар учун барча қулайлик яратилди. Ёшларнинг мазмуни дам олишига зарур шароитлар ҳозирланди.

Махмуамизнинг архитектура-дизайни ҳам ўзига хос бўлиб, у жорий йил МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган халқаро мезморчилик танловига биринчи ўринни эгаллади.

Бугун энг бахтли инсонлардан бириман. Давлатимиз раҳбарининг менга кўрсатган меҳр-эътибори руҳимни янада кўтариб, кучимга куч қўшди. Ҳаётга меҳримни, ўзимга, салохиятимга, эртанги кунга ишончимни янада оширди. Қалбимда янги ғоялар уйғотди, ўз ишимга илҳом бағишлади.

"Тадбиркор — эл-юртга маддадор" деган гап бежиз эмас. Келгусида ҳам бор куч ва билимимни ишга солиб, нури манзиллар сари дадил одимлаётган Янги Ўзбекистонимизга камарбаста бўлавераман.

Анвар АЛИМЖАНОВ, Тошкент шаҳридаги «Yunusabad Galleria» маъсумотли чекланган жамияти раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби.

## АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент шаҳрида 15 — 17 декабрь кунлари Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг "Инсон қадр-қиймати, ижтимоий адолат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида ҳамкорлик" мавзусида учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

### Анжуман

Тадбирда парламентлар раҳбарлари ва аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилиш доирасида "Миллий мерос" номи халқ амалии санъати кўргазмаси ҳамда республика миллий-маданий марказларининг бадиий кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи йиғилиши доирасида Сенат Раиси ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Ялпи мажлис давомида парламентларо ҳамкорликнинг асосий йўналишларини қамраб олган Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раислари учинчи йиғилишининг Кўшма декларацияси, шунингдек, рақамли технологияларни ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, гендер тенглик ва инсон ҳуқуқларини илгари суриш,

таълим, фан, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида шерикликни фаоллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Раиси У Вон Шик Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома ратификациясини тарихий аҳамиятга эга воқеа сифатида баҳолади.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари пойтахтимизда қад ростлаган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига ҳам ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган мазкур марказ йирик тарихий-маърифий мажмуа бўлиб, унинг фаолияти ислом цивилизациясининг бой илмий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ҳар томонлама ўрганиш ва жаҳон ҳам-жамиятига намёнбон этишга қаратилган.

Ушбу муҳташам марказнинг бош ғояси — илм-фан, маданият, таълим ва тарбиядор. Юр-

тимиздаги ислом маданияти билан боғлиқ бир неча минг йиллик қадимий ўтмиш бир жойда — ана шу мажмуада муассасам бўлган. Бу ерга келган инсонлар ана шу тарихий аяқол кўриб ислом дини, бу аввало, тинчлик, тараққиёт ва бағрикенглик дини эканини, ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини англайди.

Меҳмонлар "Ислондан аввалги цивилизациялар", "Биринчи Ренессанс", "Иккинчи Ренессанс" ҳамда "Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс" экспозициялари билан танишди. Парламент аъзоларига Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг ҳажон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзлаб берилди. Шунингдек, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар ва теурийлар даврларига оид ноёб қўлёзмалар, осориатқиқалар, тарихий манбалар намойиш этилди.

Марказий Осиё давлатлари ва Корея Республикаси парламентлари раҳбарларининг учинчи йиғилиши ўзаро ишонч, оқиқ мулоқот ва амалий ҳамкорликни янада мустақкамлаш самарали майдонига айланган иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

### Онлайн учрашув

## МУНТАЗАМ МУЛОҚОТ МЕХАНИЗМЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Аъзамжўаев "Туркия — Ўзбекистон" парламентларо ҳамкорлик гуруҳи раиси Осман Местин билан онлайн учрашув ўтказди.

Унда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ва Туркия ўртасида стратегик шериклик изчилик ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат парламентларо ҳамкорлиги жадал ривожланиётгани айтилди, хусусан, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, давлатлараро келишувларни ратификация қилиш ва эришилган келишувлар ижроси таъминлаш орқали икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келинаётгани таъкидланди.

Шунингдек, кўмиталар ва парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш, мунтазам мулоқот механизмлари йўлга қўйиш ҳамда қўшма ташаббуслар ишлаб чиқиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



Янги Ўзбекистоннинг энг муҳим мафкуравий пойдеворларидан бири — Президентимиз томонидан илгари сурилган учинчи Ренессанс ғояси. Бу ғоя нафақат мамлакатимиз тараққиёти, балки кенг маънода инсоният келажаги учун ҳам улкан аҳамият касб этиб, жаҳон жамоатчилиги томонидан яқдил эътироф этилмоқда.

Учинчи Ренессанс:

## ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИ БОҒЛОВЧИ УЛУФВОР ҒОЯ

Шу маънода, покстонлик таниқли ёзувчи ва публицист Муҳаммад Аббос Хоннинг урду тилида нашр этилган “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли асари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу китоб учинчи Ренессанс ғоясининг халқаро илмий-фалсафий талқини сифатида эътиборни тортади. Асарда жаҳон миқёсида давлат ва сиёсат арбоби сифатида тан олинган Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббуси буюк ўзгаришлар лойиҳаси, уфқлар измига бўйсунмас, абдий қимматга эга ғоя сифатида ёритилади.

Мазкур асарда муаллиф учинчи Ренессанс ғоясини замонавийнинг янги глобал модели сифатида очиб беради. Бу муайян давр ёки ҳудуд билан чекланб қолмайдиган, балки бутун инсоният тараққиётига хизмат қиладиган кенг қамровли қарашдир.

Китобга Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Муҳаммад Шаҳбоз Шариф жанобларининг кириш сўз ёзгани ҳам мазкур ғоянинг халқаро нуфузи ва эътиборини яққол намойён этади. Қолаверса, Покистон давлатининг Ўзбекистонга бўлган юксак эътироби, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари изчил равишда мустаҳкамлаб бораётганидан ҳам далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, учинчи Ренессанс ғояси абдий қудратга эга. У ўтмиш меросини инкор этмайди, аксинча, уни замонавий тараққиёт талаблари ва келажак мақсадлари билан уйғунлаштирилади. Асарда давлат раҳбарининг инсонпарварликка асосланган янги қарашлари кенг ёритилиб, ушбу ғоялар тарих йўналишини ўзгартириш ва келажакни шакллантиришга қодир экани алоҳида таъкидланади. Муал-

лиф назарича, учинчи Ренессанс ғояси инсон тафаккурининг бемисл уммонига қуйиладиган қудратли дарёга ўхшайди.

Асарда таъкидланганидек, учинчи Ренессанс ғоясининг асосий моҳияти инсонпарварлик ва замонавий технологиялар уйғунлигидан иборат. Илгариги ренессанслар, асосан, илм-фан ва билим тараққиёти билан белгиланган бўлса, янги Уйғониш даври маънавият, ахлоқ ва илмий-техник тараққиётнинг биргаликда ривож-

### Мутолаа

ланишини тақозо қилади. Бу ғоя инсониятни миллий ёпиқликдан умумбашари тафаккурга олиб чиқишга, технологияларга алоқий чегаралар белгилашга, илм-фандан эзгулик йўлида фойдаланишга даъват этади. Демак, масала фақат тараққиёт суръатларида эмас, балки унинг инсон манфаатларига қандай мақсадда хизмат қилаётганидир.

Китобда Қуръони каримнинг илм-фан тараққиётида тутган ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. У фақат диний нанба сифатида эмас, балки тафаккурни кенгайтирган, инсонни изланиш ва кашфиётга ундаган маънавий дастак сифатида талқин этилади. Муаллиф наздида, миллатнинг келажак сари танлаган йўли қадриятлар, билим кучи, маданий бойлик ва инсонпарварлик тамойилларига таянади. Бу қарашлар нафақат давлат раҳбарининг сиёсий позициясини, балки мамлакат келажаги учун юксак тарихий масъулиятини ҳам ифода-лайди.

Президент мактаблари эса келажак ихтирононалари сифатида баҳоланади. Ўзбекистон

янги авлодни юқори малакали мутахассислар, айни чоғда, мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва пок инсонлар этиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Миллат етакчиси орасидаги Ренессанснинг давом этириши ва уни янада чуқурлаштириш эса, аввало, ёшлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ёшларнинг интилиши, аждодларнинг билим ва меҳнатни энг олий қадрият деб билгани, адолатли ва маърифатли жамият ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқаришга чорлайди. Янги Ренессанс ғояси — кучли шахслар танлови. Бу нафақат муайян тарихий давр, балки қалб амри ҳамдир.

Учинчи Ренессанс ғояси оламни фатҳ этишни эмас, уни англашни, ҳукмронликни эмас, ҳамкорликни, олиб билишни шунчаки кўпайтиришни эмас, уни инсоният манфаатига хизмат қилдиришни аналатади.

Муҳаммад Аббос Хон асаридан учинчи Ренессанс ғояси Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт концепциясида ҳам кенгроқ маъно касб этиши, янги глобал уйғунлик ва инсонпарвар дунё моделига асос бўлиши алоҳида таъкидланади. Зеро, бугун Ўзбекистон янги тарихий босқич остонасида турибди. Учинчи Ренессанс ғояси халқимизни, айниқса, ёш авлодни янги тадқиқотлар, кашфиётлар ва янги маънавий уйғониш сари ундаб келмоқда. Чунки бу ғоянинг манбаи — ўтмишда, эҳтиёжи — бугун, буюк мақсади эса — келажақдир.

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти,  
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.



## ҲАР МАНЗИЛИ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ЗАМИН

Юртимиз табиати ва тарихий масканлари ўзига хос. Қадим шаҳарларимиз, бетақорор меъморий обидалар, чўл бағрида жойлашган кўллар ҳамда кўркам табиий ҳудудлар ҳар бир инсонда ажиб таассурот қолдиради. Ана шу бой тарих, ноёб манзаралар ва халқимизнинг азалий меҳмондўстлиги Ўзбекистон туризм салоҳиятининг асосини ташкил этади.

### Сарҳисоб

#### Миллий тараққиёт локомотиви

Бугун туризм фақат дам олиш ёки саёҳат қилиш билан чекланиб қолмай мамлакат иқтисодиётининг муҳим таянчи, уни ҳаракатга келтирадиган локомотив тармоқлардан бирига айланмоқда. Соҳада яратилаётган иш ўринлари, хизматлар экспортининг ортиши ва инвестицияларнинг жалб этилиши иқтисодий ўсишга кучли туртки бермоқда.

Яқинида етиб бораётган йилда мамлакатимиз туризм соҳасида барқарор ўсиш кузатилади. Ун бир ой давомида Ўзбекистонга 10,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буурди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 114 фоиз ошганини кўрсатади. Туризм хизматлари экспорти ҳажми 4,4 млрд. АҚШ долларига етиб, ўсиш суръати 144 фоизга тенг бўлди. Ушбу рақамлардан туризм мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айлиб бораётганини яққол кўриш мумкин.

Хорижий туристлар географиясининг кенгайиши алоҳида эътиборга молик. Хитойдан ташриф буюрган сайёҳлар сони 2024 йилдагига нисбатан 3,7 баробар ошди. Австралия ва Япониядан келганлар аввалги кўрсаткичдан 1,5 марта юқори, Франция ва Канадadan 1,3 баробар кўпайди. АҚШ, Испания, Туркия, Польша, Нидерландия, Малайзия ҳамда Ҳиндистондан ташриф кўрсаткичи 1,2 мартага, Германия, Италия ва Жанубий Кореядан эса 1,1 қаррага ўсди. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг халқаро туристик бозордаги жозибадорлиги тобора ортаётганидан далолат беради.

Ички туризм ҳам изчил ривожланмоқда. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида аҳолининг ҳудудларга 23,7 млн. марта ташрифи амалга оширилди. Йил бошида эзгу ниятлар билан тузилган режа 114,8 фоизга баҳарилди. Бу кўрсаткичлар юртдошларимизда мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини зёбрат этишга бўлган қизиқиш кучайгани, ички туризм ижтимоий ҳаракатга айланаётганини аналатади.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳадаги асосий йўналишларидан бири бўлди. Ҳудудларда 954 та янги жойлаштириш маскани фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳудудий туризмни ривожлантиришда Жиззах вилоятида амалга оширилган лойиҳа алоҳида аҳамият касб этди. Айдаркўл соҳилида замонавий “Aydarkol Resort” дам олиш маскани ишга туширилди. Ушбу туристик манзилда 594 ўринли жойлаштириш мажмуаси, 200 ўринли икки қаватли санаторий, 294 ўринли хостел, тўрт хил типдаги 100 ўринли 40 та капсула, автокартинг, болалар майдони ҳамда волейбол стадионлари барпо этилди. Дам олиш масканининг ишга туширилиши натижасида 20 та янги туризм хизмати йўлга қўйилди ва 1000 нафар киши иш билан таъминланди. Соҳил ҳудудида тапчанлар, пляж совбонлари, қайиқ ва яхталар, ресторан ва кафелар, очик бассейн ҳамда санитария-гигиена шохобчалари фаолият юритмоқда. Ушбу марказда ҳар йили 100 минг хорижий ва 500 минг маҳаллий сайёҳни жалб этиш режалаштирилган.

Замонавий инфратузилмага эга, хизмат турлари кенг бўлган туризм масканлари сонининг ортиб бориши соҳада билимли, тажрибали ва масъулиятли кадрларга эҳтиёжини янада оширмоқда. Сайёҳларга қўрсатилаётган хизмат сифати, ҳудуднинг жозибадорлиги ва мамлакат имижига кўп ҳақдан айна мутахассислар маҳоратига боғлиқ. Шу боис туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, жорий йилнинг ўн бир ойда 375 нафар янги гид тайёрланди. Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб 4345 нафар гид-экскурсовод фаолият олиб бормоқда.

### Сайёҳликда стратегия ҳоқасида

Гастрономик туризм соҳасида ҳам муҳим қадамлар ташланмоқда. Шу йилнинг 14 декабрида Хива шаҳрида “Xorazm palovi” халқаро фестивали бўлиб ўтди.

— Замонавий “Arda Xiva” мажмуасида ўтган фестивалда улкан қозонда бир вақтнинг ўзид

9 тонна хоразмча палов тайёрланди, — дейди Хоразм вилояти туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Азамат Ҳужаев. — Мазкур жараёнда 2,5 тонна гўшт, 3 тонна сабзи, 2,5 тонна гурuch ва 750 литр пахта ёғи ишлатилди. Ушбу гастрономик тадбир миллий ошхона аъёнларини тарғиб этиш орқали ҳудуднинг туристик жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимизда туризм қишлоқлари ва маҳаллаларини ташкил этиш орқали янги йўналишлар шакллантирилди.

Бетақорор тарихимиз, экоманзараларга бой туризм масканлари, шунингдек, миллий аънава ва қадриятларимиз йил давомида хориж ахборот майдонида кенг ва тизимли тарзда тарғиб қилинмоқда. Хусусан, 21 давлатда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этилди. Россия ва Хитойда “Ўзбекистон туризм йили” доирасида маданий тадбирлар уюштирилди. Йигирма давлатда 30 та “road show” ва тақдимотлар ўтказилди.

Айни кунларда ҳам Будапешт шаҳри марказида мамлакатимиз ҳақидаги видеороликлар на-



моийш этилмоқда. Халқаро медиаплатформаларда 50 га яқин контентлар жойлаштирилди. “Euronews” телеканалда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Навоий вилоятлари ҳақида махсус кўрсатув эфирга узатилди. Мана шундай тадбирлар давоми сифатида Куала-Лумпур — Тошкент авиақатнови очилиши муносабати билан Жануби-Шарқий Осиё блогерлари учун инфотур ташкил этилиши сайёҳлар оқимининг янада ортишига муносиб туртки бўлса ажабмас.

Туризм соҳасида барқарор ривожланишни таъминлашда инвестицияларни фаол жалб этиш ҳам қилувчи омиллардан бири. Зеро, замонавий инфратузилма, сифатли хизмат ва халқаро стандартларга жавоб берадиган туризм объектлари айнан инвестиция лойиҳалари орқали яратилмоқда. Шу нуктага назардан, инвестиция муҳитининг яхшиланиши мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш ва унинг жозибадорлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур йўналишда 421 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 6313 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Тошкент шаҳрида “JW Marriott”, “Swissotel” ҳамда “Azimut” каби нуфузли халқаро брендлар остида меҳмонхоналарнинг очилиши мамлакатимиз туризм инфратузилмаси янги босқичга кўтарилганидан далолатдир. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида йирик туризм кластерларининг ишга туширилиши ҳудудий туризмни ривожлантириш ва янги туристик оқимларни жалб этишда муҳим ўрин тутмоқда.

— Соҳадаги ислохотлар ва инвестицияларнинг самараси сифатида илк бор Ўзбекистонга “MICHELIN Key” халқаро мукофотининг тақдим қилиниши тарихий воқеа бўлди, — дейди Туризм қўмитаси бошқарма бошлиғи Ойбек Ҳакимов. — “InterContinental Tashkent” меҳмонхонасига ушбу мукофотнинг берилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш сифати халқаро стандартларга тўлиқ мос келаятигани ҳамда туризм соҳасининг рақобатбардошлиғи ошиб бораётганини яққол тасдиқлади.

Умуман, йил бўйи амалга оширилган ишлар туризмни мамлакат иқтисодиётининг барқарор драйверларидан бири сифатида мустаҳкамлади. Бу жараён Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва хизматлар экспортини кенгайтиришга имкон бермоқда. Туризм соҳасидаги ушбу изчил ҳаракатлар келгусида ҳам юртимизни жаҳон харитасида янада ёрқинроқ намойён этиши, шубҳасиз.

**Улуғбек РЎЗИМАТОВ**  
(«Халқ сўзи»).

## ТАМАДДУННИНГ УЙҒУНЛАШУВ ПОЙДЕВОРИ

Туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик сўнгги йилларда мутлақо янги босқичга кўтарилди. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий соҳаларда олиб борилаётган интеграция жараёнлари ўз миқёси ҳамда истиқболлари билан нафақат минтақа, балки глобал геосиёсий майдонда ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Янги Ўзбекистон ташаббуслари туркий олам учун янги илмий ва маданий платформа вазифини ўтаётган. Президентимизнинг туркий давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича қатор ташаббуслари натижасида таълим соҳасидаги академик алмашинувлар, қўшма илмий марказлар, умумий дарсликлар тайёрлаш, инновация ҳамда технологиялар йўналишидаги биргаликдаги лойиҳалар ҳам кенгайди.

### Фикр

Шу ўринда Қўқон университети, Отатурк университети, Озарбайжон Миллий фанлар академияси, Озарбайжон архитектура ва қурилиш университети ҳамкорлигидаги 2025-2026 йилларга мўлжалланган уч босқичли халқаро конференциялар цикли туркий оламни янги интеллектуал ва илмий-амалий ҳамкорлик нуқтасига олиб чиқаётгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Жорий йил ноябрда Боку шаҳрида ўтган “Замонавий Ипак йўли бўйлаб туркий давлатларнинг ижтимоий-маданий интеграция жараёнлари: муаммолар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро конференция туркий дунё илмий жамоатчилиги учун муҳим воқеа бўлди. Бу анжуман нафақат назарий масалаларни муҳокама қилиш, балки умумий келажак учун аниқ амалий вазибаларни белгилаб олиш имконини ҳам берди.

Туркий мамлакатларнинг академик ҳамда сиёсий доираларидан келган зиёлилар, олимлар ва экспертлар дунёда юз бераётган глобал ўзгаришлар фондида туркий интеграциянинг янги моделларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Анжуманда билдирилган фикрларга кўра, туркий дунё интеграцияси, бу — умумий тарих, маънавият ва илм-фан асосида барпо этиладиган тамаддун пойдевори.

Туркий давлатлар олимлари учун ягона илмий атамалар банкни яратиш масаласи ҳам анжуманда алоҳида муҳокама қилинди. Бугунги кунда туркиялик, ўзбекистонлик, озарбайжонлик, қозоғистонлик ёки киргизистонлик олимлар бир хил фан соҳасида

турчила атамалардан фойдаланиш ҳамкорлигини қийинлаштираётгани айтилди. Ягона базанинг яратилиши илмий тадқиқотлар ва қурилиш олимига, қўшма лойиҳаларни амалий жиҳатдан амаллаштириш, таълим платформалари учун стандартлар яратиш, хуллас, туркий илм-фанини ягона маконга айлантиришга катта имкониятлар эшигини очиши алоҳида таъкидланди ва амалий ишлар режалаштириб олинди.

Анжуман якунида замонавий Ипак йўли бўйлаб янги туркий интеграция модели ишлаб чиқилди. Мазкур модель маданий уйғунликни, таълим ва фаннинг бирдмаллигини, иқтисодий ҳамкорлигини, глобал майдонда ўз ўрнини мустаҳкамлашни таъминлайдиган янги цивилизация пойдевор сифатида намойён бўлмоқда.

Боку анжумани шуни кўрсатдики, туркий давлатлар бирлашиши жадаллаштиришга мумкин. Нуфузли тадбирда Қўқон университети делегациясининг иштироки нафақат ўзига хос илмий-амалий ҳодиса, балки туркий дунё университетлари ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқнинг янги даврини бошлаб берди. Қўқон университети делегацияси форум доирасида турли илмий секцияларда маърузалар билан қатнашиб, замонавий туркий жамиятлар ўртасидаги таълимий-маданий жараёнлар, интеграция тамойиллари ва қардош халқлар ўртасидаги илмий алоқаларнинг истиқболлари ҳақида қатор долзарб фикрларни илгари сурди.

Хусусан, туркий давлатларни бирлаштирувчи маънавий меросни замонавий таълим тизимига



интеграция қилиш, адабиёт, маданият ва тарихий меросни илмий тадқиқ этишда қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш, ёшлар ўртасида маданий дунёқараш, ватанпарварлик ва умумтуркий тотувликни мустаҳкамлашда таълим муассасаларининг ролини ошириш, олий таълим муассасалари ўртасида академик мобиллик имкониятларини кенгайтириш шулар сирасига кирди.

Эътиборлиси, анжуман доирасида стратегик аҳамиятга эга ҳамкорлик: икки муҳим меморандум имзоланди. Биринчиси, Қўқон университети ва Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти ўртасидаги меморандум бўлиб, ушбу ҳужжат қўйидаги муҳим йўналишларни ўз ичига олади: қўшма илмий-тадқиқот дастурларини амалга ошириш; адабий мерос ва туркий цивилизация тарихи бўйича илмий экспедициялар ташкил этиш, илмий мақола, монографиялар ва ўқитувчилар таъминувини йўлга қўйиш.

Иккинчи меморандумнинг “INGLA School Vaku” ташкилоти билан таълимий ҳамкорлик — академик интеграциянинг янги модели сифатида баҳоланган мумкин. Бу ҳамкорлик тил ўрганиш ва таълим дастурлари бўйича қўшма лойиҳалар, талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви, халқаро таълим стандартлари асосида ўқув дастурларини яратиш, икки давлат ёшлари ўртасида дўстлик ва илмий ҳамкорликни кучайтиришдек жуда аҳамиятли йўналишларни ўз ичига олади.

Бу ташаббус, айниқса, ёш авлодда умумтуркий маънавиятни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим йўналиш сифатида эътироф этилди. Қилишувларга мувофиқ,

2026 йилдан бошлаб Озарбайжондан келган талаба ёшлар Қўқон университетидида ўқини бошлайдди. Бу тарихий қадам натижасида туркий давлатлар талаба-ёшлари ўртасида маданий бирлик мустаҳкамланади, Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги глобал қадамларга бардавомлик бўлади; уни-верситетда кўп миллатли академик муҳит яратилиб, ўқув жараёнининг сифатини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Умуман, Боку анжумани Қўқон университети учун нафақат халқаро ҳамкорлиқнинг навбатдаги босқичи, балки туркий илм-фан маконидаги салмоқли ўрнини янада мустаҳкамлаб берувчи муҳим марра бўлди.

Дарвоқе, 2026 йил октябрь ойида Қўқон шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган учинчи босқич — “Замонавий Ипак йўлида турк давлатларининг ижтимоий-иқтисодий интеграция жараёнлари: муаммолар ва имкониятлар” — Марказий Осиё тарихида ижтимоий-иқтисодий интеграциянинг амалий йўналишларини илгари сурувчи ҳамда бирлаштирувчи нуқтида илмий-амалий форум сифатида бўлиб ўтиши кутулкилади. Уч босқичли ушбу халқаро интеграция конференцияси туркий дунё учун ўзига хос “Йўл харитаси” вазифини бажаради. Бу жараённинг Боку, Арзурум ва Қўқон босқичлари ўзаро уйғун ҳолда туркий маконнинг сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий тараққиёт, таълим, маданият ва инновациялар соҳаларидаги интеграциясига асос солмоқда.

Туркий интеграция бу — келажакнинг янги архитектураси. Бу архитектуранинг пойдевори эса қардош халқларнинг ўзаро ишончи, ҳамжихатлиги, инновацион салоҳияти ва биргаликда ривожланишга интилишида. Шундай экан, туркий дунё учун бу интеграция нафақат стратегик мақсад, балки янги цивилизация ўзлигини шакллантираётган улкан жараёндир.

**Зебо ҚОБИЛОВА,**  
Қўқон университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор.

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида ҳукумат қарори билан қонунчиликдаги тадбиркорликка оид 1600 та мажбурий талаб бекор қилинди.

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК БАҲРАҚОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ



## Бир марталик пластик маҳсулотлар муомаласи чекланиши мумкин

Мажлисида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Унда таълим ташкилотлари болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятлар зиммасига юклатилган шахс томонидан тарбия ва таълим бериш жараёнида болага нисбатан зўравонлик ҳолатлари содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Нотариуслар зиммасига болани фарзандликка бериш (олиш), васийликка ёки ҳомийликка бериш ҳақида аризадаги имзонинг ҳақиқийлиги шаҳодатланганлиги тўғрисидаги маълумотларни "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этиб бориш мажбурияти юклатилган.

Васий ёки ҳомий ўз яшаш жойини ўзгартирмоқчи, шу жумладан, бошқа мамлакатга кўчиб кетмоқчи бўлса, васийлик ва ҳомийлик органнинг ёзма рухсати ва васийликка олинган 10 ёшга тўлиқ боланинг розилиги талаб этилиши белгиланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ота-она ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслардан боланинг соғлигини тиклаш ва реабилитация қилиш учун қўшимча ҳаражатларни бола фойдасига ундириш ҳақида киритилган аризалар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Депутатлар томонидан лойиҳанинг айрим нормалари юзасидан эътирозлар билдирилди. Тегишли моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Узоқ давом этган муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди.

## Айрим нормалар қизғин муҳокамага сабаб бўлди

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда “Пробация тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилинган шахслар устидан пробация назоратини амалга оширишнинг аҳоли ҳуқуқий тартиблари белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисида депутатлар томонидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Айрим нормаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича қатор таклифлар белдирилди. Қизгин савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди.

риш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини берди. Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Наркожиноятлар учун жиноий жавобгарлик кучайтирилади

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Бу билан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Хусусан, Жиноят кодекси аҳоли саломатлиги ва генотипига қарши жиноятларга оид алоҳида боб билан тўлдирилиб, аҳоли саломатлиги ва генотипига қарши жиноятларнинг ҳар бирига алоҳида жазо белгиланмоқда. Шунингдек, Жиноят кодексида наркотикларнинг ноқонуний муомаласига ҳоқимият (мансаб) ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) кўрсатиш ҳамда гайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги нормалар белгиланмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштиришга оид масала кўтарилди. Хусусан, амалдаги жазо чоралари ҳамда қонун ташаббускорлари томонидан таклиф этилаётган тахир орасидаги айрим номувофиқликлар юзасидан фикрлар билдирилди.

Мажлисида қонун лойиҳасининг концепцияси амалдаги Жиноят кодексида мослиги, тегишли вазирилик ва идоралар билан келишилганлиги, илмий-эксперт хулосаларининг мавжудлиги эътибор қаратилди. Шунингдек, қонун лойиҳасидаги камчиликларни лойиҳанинг концепциясини бузмаган ҳолда, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул кўмита ва мутахассислар иштирокида такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Давлат фуқаролик хизмати тизимида муҳим ёндашув

Депутатлар “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тузилмаси ҳамда давлат фуқаролик хизмати тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳасида ҳам қатор муҳим нормалар акс этмоқда. Хусусан, боғжона, ички ишлар, прокуратура, Миллий гвардия ходимлари ва судьялар Администрация раҳбари фармоиши билан тайинланган лавозимга ўтганда ушбу органлар кадрлар захирасига киритилиши назарда тутилган.

Шунингдек, давлат хизматида илк бор қабул қилинган ходимлар билан меҳнат шартномаси дастлаб бир йил мuddатга тузилиши, “Давлат хизматидаги кириш” махсус курсларини амалга ошириш ўқувларини ўташи ҳамда инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатлар фақатгина “htm.argsos.uz” платформасида шакллантирилиши белгиланмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳолига, амалий зарурати ва айрим нормаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан қонун ташаббускорларига саволлар берди. Лойиҳани янада такомиллаштириш, уни қонуний ва ҳуқуқий жиҳатдан мукамал ҳолатга келтириш бўйича бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мутасаддилар томонидан депутатларни қизиқтирган масалалар юзасидан атрафлича тушунтиришлар берилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Соҳада технологиялар трансфери учун қонуний асос

Мажлисида “Фармацевтика фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, юқори талабга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларни маҳаллийлаштириш, янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Лойиҳада ҳужайра технологияси асосида ишлаб чиқарилган биотехнология воситаларини дори воситалари сифатида эътироф этиш ва соғлиқни сақлаш амалиётида қўллашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш назарда тутилган.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳолига фўхтатириш, ундаги қатор нормалар юзасидан қонун ташаббускорларига саволлар берди, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Мутасаддилар томонидан саволларга атрафлича жавоблар берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси Гулчехра Тожибоева лойиҳада маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш мuddати беш йил этиб белгиланаётгани, шунингдек, бу даврда айна ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг гувоҳнома мuddати тузатишдан сўнг 180 календарь кун ичида амалиётда қўллаш, яъни импорт қилиш назарда тутилганлиги таъкидлаб, шу мuddат ичида аҳолини ва тиббиёт муассасаларини тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш қийинчиликлар туғдирмайдими, деган саволни кўтарди.

Бу бўйича қонун ташаббускорлари атрафлича тушунтириш бериб ўтди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Ҳуқуқ ва эркинликлар қафолати

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида ишлаб чиқилган — “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган нормаларни такомиллаштириш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасининг шакли қилиниши қамоққа олинган қабул қилиниши ахлоқан тузаги ишлари натижадорлигини оширишга, Конституция нормаларини ҳаётга самарали татбиқ этишга, миллий қонунчилиқни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга кенг йўл очади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Спортда допингнинг олдини олиш тартиби такомиллаштирилмоқда

Мажлисида “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, спорт иншоотларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, маҳалладан бошлаб аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақалари

рини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган кенг қўламли иш-лохотлар амалга оширилмоқда.

Бюджетдан соҳага ажратилаётган маблағлар сезиларли равишда ошиб, оммавий спорт билан мунтазам шуғулланувчи оилаларга зарур шaroит яратиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини оммалаштириш ҳамда қизиқшларини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва оммавий спорт тадбирларини тизимли ўтказиб бориш, спорт турларини эътироф этиш ва уларнинг реестрини юритиш тартибини такомиллаштириш, спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари белгиланмоқда.

Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталарининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, Паралимпия, Сурдлимпия, Махсус олимпия ва Кўзи оғирлар спорт ҳаражатларига доир масалалар қонун даражасида белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Миллий антидопинг агентлигининг ҳуқуқий мақоми ҳам белгиланиб, спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тартиби такомиллаштирилмоқда. Қолаверса, иш бериувчилар ходимларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шaroитлар яратиши кўзда тутилган. Спорт соҳасидаги низоларни эса судгача хал этиш тартибининг жорий қилиш назарда тутилмоқда.



Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Мажлисида Фавқулодда вазиятлар вазири Б. Қудратхўжаевнинг “Аҳолини ёнғинлардан муҳофаза қилиш, хусусан, ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш, техник носозликлар ва бошқа хавфли ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2025-2026 йилларга мўлжалланган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Давлат назорати инспекторлари томонидан рўйхатга олинган 323 093 та корхона ва ташкилотнинг 79 432 тасида батафсил ва назорат тартибидеги текширувлар ўтказилган. Улар давомида корхона ва муассасалар раҳбарларига давлат назорати инспекторларининг ёзма кўрсатмалари тақдим этилиб, кўплаб қонунбузилиш ҳолатлари бартараф қилинишига эришилган.

Олиб бориладиган профилактик тадбирлар давомида ёнғин хавфсизлиги қондаларини тарғиб қилиш ва бу борада фуқароларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида жами 9 миллионга яқин фуқароларни қамраб олган ҳолда суҳбат ва йўл-йўриқлар ўтказилган.

Вазирнинг қайд этишича, мактабга таълим ташкилотлари ва умумтаъ-

лим мактабларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши юзасидан режага асосан текширувлар ўтказилиб, таълим ташкилотлари масъулари билан ахсарят объектларнинг ёнғинга қарши аҳолини яхшилашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган. Назорат тадбирлари жараёнида объектларда аниқланган 68 536 та қоидабузарликдан 32 059 тасининг бартараф қилинишига эришилган.

Олий ва ўрта таълим муассасаларидаги назорат тадбирлари жараёнида объектларда аниқланган 4 252 та қоидабузарликдан 2 175 таси, тиббиёт муассасаларида эса 15 402 та қоидабузарликдан 7 284 таси бартараф этилган.

Мажлисида депутатлар томонидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Хусусан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Сайёра Имомова маърузада маҳалла муҳофазасининг пилот лойиҳасига алоҳида тўхталиб ўтилганини қайд этиб, ушбу тизим қандай ишлаши ва маҳалларда қандай функцияларни бажариши билан қизиқди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Шухрат Шарафутдинов эса аҳолини газ хавфсизлиги бўйича хабардор қилиш ва заҳарли ҳолатларини қаматириш мақсадида янги қурилаётган уй-жойларда қандай қўшимча чора-тадбирлар кўриш режалаштирилган, дея вазирга юзланди.

Вазир берилган саволлар юзасидан атрафлича маълумот бериб ўтди.

Депутатлар аҳоли ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш энг устувор вазифа эканини таъкидлаб, профилактик ишлар самарадорлигини ошириш, маъсул идоралар, маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисида Фавқулодда вазиятлар вазирининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниши ва кун тартибидеги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

## Вазирга парламент сўрови юборилди

Депутатлар Қишлоқ ҳўжалиги вазирга “Мамлакатимизда экспортбop мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ва мақсади экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, маҳсулотлар етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказишда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг январь — ноябрь ойларига қиймати 2,9 млрд. долларга яқин мева-сабзавот ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари экспортга чиқарилган. Экспорт географияси ҳам кенгайиб, умумий ҳисобда 95 та давлатни ташкил этган.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда ўтказган назорат-таҳлил тадбирлари давомида соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар борлиги ҳам аниқланди. Хусусан, янги турдаги иқлимга чидамли, тезпишар, кам сув талаб қиладиган, юқори даражада ҳосилдор бўлган навларни танлаб олиш, мазкур маҳсулотлар етиштирилишининг маҳаллий маҳсулот етиштирувчилар ва мева-сабзавотчилик корхоналари томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда уларни экспортга йўналтириш зарурати юзга келмоқда.

Мажлисида юқоридегилардан келиб чиқиб, соҳага халқаро стандартларни жорий этиш бўйича ишларнинг бориши, озиқ-овқат саноатининг келгуси йиллардаги экспорт прогнозларига ва маҳсулотлар драйвери кўрсаткичларига эришиш, замонавий ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт кўрсаткичларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асосланганлигини тушунтиришлар бериш ҳақида Қишлоқ ҳўжалиги вазирга парламент сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».

Энди қайси дори воситалари рецептсиз берилишини «my.gov.uz» портали орқали билиш мумкин.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини юқлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислол Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобонова.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.45

Тошпирилди — 00.00

1 2 3 4 5 6